

**“ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АЖ**

**“НАМАНГАН ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР  
ТАРМОҚЛАРИ  
КОРХОНАСИ”  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**



**ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА  
БҮЛМАГАН ТАДБИРКОР  
ИСТЕМӨЛЧИЛАР УЧУН  
ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ**

**ШАРТНОМАСИ**

**№** 432030.

Корин мааний визионат  
күрсөтмичи бө сервис  
техникашы

(корхона, ташкилот, муассаса номи)

Юридик ва юридик мақомга эга бўлмаган тадбиркор истеъмолчилар учун  
**ШАРТНОМА**

20 22 йил 24 01

432030сон

Наманган ш.  
(шартнома тузилган манзил)

“Наманган ҲЭТК” акциядорлик жамияти “инсончнома” асосида фаолият юритувчи  
раҳбари А. Тиллабов (кейинги ўринларда  
(электр таъминоти корхонаси раҳбарининг Ф.И.О.)

“Корхона” деб аталади) бир томондан ҳамда Низом асосида фаолият юритувчи  
Истемолчи номи Хизмат тўғрисидан босеи, тено  
(Истемолчи номи)

раҳбари 3. Нурабдуллоев (кейинги ўринларда  
(Истемолчи раҳбарининг Ф.И.Ш.)

“Истемолчи” деб аталади), хисоб раками -  

<u>156</u>	<u>0</u>	<u>8</u>	<u>2</u>	<u>8</u>	<u>2</u>
------------	----------	----------	----------	----------	----------

 ичинч  
томондан мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

### I. Шартнома предмети

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - Шартнома деб аталади) мувофиқ, Корхона Истемолчига электр энергиясини (кейинги ўринларда - энергия деб аталади) уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истемолчи истемол килинган энергия учун ўз вактида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

### II. Етказиб берилган энергияни хисобга олиши

2.1. Энергия истемолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 16665 кВт.с. реактив  кВар.с

2.2. Етказиб бериладиган энергияни Шартнома тузилган кунидаги умумий нархи  
3499250 сўмни, тариф(лар) бўйича

тариф түри: табакалаштирилган, бир ставкали ёзи 08.11.2017 йилдан ПК-3379 инг рўйхатидаги махсулот ишлаб чиқарувчи ва айrim  
хизматлар тарифчига учун (корхонаси ёзилсан)

ташкил этади.

2.3. Истемолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидағи йиллик ҳажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истемолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истемолчиларнинг (манишӣ истемолчилардан ташкари). Электр энергиясини хисобга олиш приборлари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишнинг бошқа воситалари истемолчининг маблағлари хисобига сотиб олинади, давлат киёсловидан ўтказилади, Корхона томонидан Бюро билан ҳамкорликда бепул ўрнатилади, пломбаланади ва рўйхатдан ўтказилади.

### III. Ҳисоб-китоб қилиши тартиби

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табакалаштирилган, бир ставкали ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 ноябрдаги “Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишин таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-3379-сонли қарорининг иловасига асосан тасдиқланган рўйхатда кўрсатилган махсулот ишлаб чиқарувчи ва айrim хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун амалга оширилади.

3.2. Уланган куввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган Истемолчи (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) Энергия учун ҳисоб-китобларни сутка вактларининг табакалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истемол қилинган энергия уни табакалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар:

ярим тигиз пайт – сутканинг ёруғ вактида (соат 9<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача) – белгиланган тариф бўйича,

тигиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат 6<sup>00</sup> дан 9<sup>00</sup> гача, кечки энг катта миқдор соат 17<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсуҷчи коэффициентни кўллаш орқали;

тунги пайт – сутканинг коронғи вактида (энг кам юкламали соатларида: 22<sup>00</sup> дан 24<sup>00</sup> гача ва 00<sup>00</sup> дан 6<sup>00</sup> гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаювчи коэффициентни кўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гурухи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга тутри келади.

Табакалаштирилган тариф қўлланилмайдиган Истемолчига нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган куввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилинда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган махсулот ишлаб чиқарувчи ва айrim хизматлар кўрсатувчи Истемолчилар учун тўловлар Хукумат корори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Турли хил тариф гурухларига мансуб истеъмолчи битта электр таъминоти манбаидан электр билан таъминланганда, хисобга олиш приборлари ҳар бир тариф гурухи учун алоҳида ўрнатилади.

Истемолчи томонидан алоҳида хисобга олиш приборлари ўрнатиш рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланаётган энг юқори тариф гурухи бўйича ҳисоб китоб қилинади.

3.4. Мазкур шартнома бўйича Истемолчи ва Корхона орасидаги ҳисоб-китоб даври бир ой хисобланади.

3.5. Истемолчи ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда “Бюро” деб аталади) ваколатли вакили билан биргаликда ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзб олади ва ушбу Шартноманинг 3-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича хисобот тузади.

Истемолчи Корхонага энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг “—1—” санасигача Корхонага ва Бюрога тақдим этади.

Бунда, уланган куввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган тўловларни табакалаштирилган тарифда амалга оширадиган Истемолчилар бўйича энергия сарфи бўйича хисоботда ишлатилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тифиз, ярим тифиз ва тунги пайтларда фойдаланилган энергия ҳажмлари алоҳида кўрсатилиши шарт.

3.6. Тарифлар ўзгарганда Истемолчи етказиб берилаётган энергия учун янги тарифлар киритилган кундан бошлаб янги тарифлар бўйича ҳақ тўлайди.

3.7. Энергия учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, Корхона уларнинг кучга киришидан камида ўн беш кун олдин қарорни оммавий аҳборот воситаларида эълон қиласди.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан қатъий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истемолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурdir.

Тариф ўзгарган тақдирда, истемолчилар Энергия (шу жумладан, актив ва реактив энергия)нинг аванс тарикасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги 1 ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўғри кўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқ тўловлар тегишли тариф бўйича кВт соатларда кайта хисоблаб чиқилади ва Корхона томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки кўшимчалар билан биргаликда хисобга олинади.

3.8. Истемолчига энергияни етказиб бериш келгуси хисоб-китоб даври бошланишидан олдин энергиянинг шартномавий миқдори киймати учун олдиндан юз фоизлик (100%) ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, хисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдириган истемолчилар хисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб хисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин билдириги тартибида Бюорога мурожаат қилгандар тақдирда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истемолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний хисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истемолчига нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узишгacha бўлган чоралар кўрилади.

3.9. Истемолчи уланган кувватидан қатъий назар, крипто-актив ва майнинг соҳасида фаолияти амалга оширганда (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йиғимлари форматида мукофот олиш имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш бўйича фаолият) фойдаланган электр энергияси учун тўловларни тегишли тариф гурухига асосан белгиланган тарифга нисбатан 3 баробар ўсуви коэффициентга мувофиқ тўлайди. (Ўз.Р. Вазирлар Маҳкамасининг 09.12.2019 йилдаги 979-сонли қарорига асосан мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан ўтиборан уч ой тугач кучга киради)

3.10. Корхона энергия сарфи тўғрисидаги хисобот асосида белгиланган тартибида хисоб-китобни амалга оширади ҳамда беш куни ичida тўлов амалга оширилиши лозим бўлган хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варагини ёзиб беради.

Истемолчи турли тариф гурухларига тегишли бўлган бир нечта обьектга эга бўлса, ҳар бир тариф гурухи учун тариф сарфлаган ҳажми кўрсатилган ҳолда умумий хисоб-фактура ёзилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли қарорига мувофиқ Корхона томонидан маҳсус дастурий маҳсулот орқали хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варагини электрон хисобварак-фактура шакллантирилади ҳамда сотиб олувиши тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

3.11. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартномага 4-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича маъсуллик чегараси далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоқининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми Истемолчи билан биргаликда хисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 5-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилиади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори кувватта уланган, табакалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истемолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тифиз, ярим тифиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланаб, мутаносиб равища жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун кўшиб борилади.

3.12. Истемолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги хисоботни Шартномада кўрсатилган муддатда тақдим этмаган тақдирда, Корхона энергия истемолининг шартномада кайд этилган миқдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳақиқатдан истемол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов хисоб-варагини ёзди ва Истемолчининг шахсий хисоб рақамида бу ҳақида тегишли белги кўйилади.

Бюро хисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибида ёзиб олгандан кейин, Корхона амалда истемол қилинган электр энергияси учун кайта хисоб-китобни белгиланган тартибида амалга оширади.

3.13. Истемолчининг энергия ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифга устамалар, шунингдек хисобга олинмаган энергияни, (ноқонуний фойдаланилган электр энергияси) кайта хисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови хисобига ўтказилган маблағлари қарзни коплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида хисобга олинмайди.

Истемолчи томонидан Шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмини тўлиқ истемол қилмаган тақдирда, аванс тарикасида тўланган маблағлар қайтириб берилмайди ва электр энергия учун кейинги хисоб-китобларда хисобга олинади.

Хисоб-китоб ойидан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб хисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида, электр энергияси маҳсус тартибида етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдорида пеня хисобланади. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловларнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

3.14. Шартномада хисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдоридан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истемол қилганда, Истемолчидан Шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ истемол қилинган энергияси жами ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорида тўлов ундирилади.

3.15. Истемолчи ва Корхона ҳар ойда, хисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро хисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.16. Истемолчини кўйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:  
шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;  
хисоб-китоблар ўз вактида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Бюро талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг вакилларига хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олиш учун рухсат этилмаганда;

электр тармоқларига ноконуний уланиш, уларни талон-торож қилиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда;

Энергияни хисобга олиш приборларини қасдан бузилганда, кўрсаткичларни ўзгариши максадида уларга ташқаридан аралашилганда.

3.17. Хисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта хисоб-китоб, Истеъмолчини қонун хужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлиқдан озод этмайди.

3.18. Истеъмолчи томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд карздорлик ва тўлов пайтидаги энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида тўлов ундирилгандан сўнг тармоққа қайта уланади (ЭНҲАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.19. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича Энергиянинг умумий ҳажмидан олинадиган улушга мутаносиб равиша ҳак тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга руҳсат этилмайди.

3.20. Энергия учун тўлов тарифлари қўйидаги ҳолатларда маиший (ахоли) истеъмолчилари учун белгиланган тарифга тенглаштирилади:

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги ЎРҚ-327-сонли қонунига мувофиқ “Оилавий корхона турар жойдан бир вактнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, Истеъмолчи Энергия учун маиший (ахоли) тарифи бўйича тўловни амалга ошириди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 22 августрдаги “Дин соҳасидаги мазнавий-матрифий, таълим ишларини ва фаoliятни янада такомиллаштирища ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида”ги 364-сонли қарорининг 3-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-фсонли Фармойишига кўра худуддаги диний ташкилотлар Энергия учун маиший (ахоли) тарифи бўйича ҳак тўлайдилар.

3.21. Истеъмолчининг хисобга олиш прибори қўйидаги текширувлардан ўтказилади:

а) даврий қиёслаш-ушбу турдаги хисобга олиш приборининг қиёсловдан ўтказиш оралиғи муддати тугаганда;

б) навбатдан ташқари қиёслаш –хисобга олиш приборига зарар етказилганда, пломбаси бузилганда, қайта дастурлаш зарурити юзага келганда;

в) эксперт қиёслаш-хисобга олиш приборининг созлиги, унинг фойдаланишга яроқлилиги, шунингдек, метрологик хусусиятларининг норматив хужжатлари талабларига мослиги бўйича низоли масалалар юзага келганда.

3.22. Энергияни хисобга олиш приборларини ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 20 августрдаги 698-сонли қарори талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

Хисобга олиш приборини даврий қиёслаш “Ўзстандарт” агентлиги томонидан белгиланган муддатда истеъмолчи хисобидан ўтказилади. Қиёсловдан ўтказиш оралиғи тўрт йилни ташкил этади.

3.23. Навбатдан ташқари ва эксперут қиёслашлар Бюро ташаббуси билан ёки бошқа ваколатли орган қарорига асосан ўтказилади ва қиёслаш хизматларини Бюро Корхона томонидан тўланади.

#### IV. Томонларининг ҳуқук ва мужбуриятлари

##### 4.1. Истеъмолчи қўйидаги ҳуқукларга эга:

ўз электр қурилмаларини Корхона электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ, ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлган электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришининг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Корхонага истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгарилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда Энергиянинг Шартномадаги ҳажмини ўзгариши бўйича таклиф мўлжалланётган ўзгаришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) Корхона ва Бюрога тақдим этиши лозим;

электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қопланишини талаб қилиш;

Шартномани қонун хужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия миқдори учун ўтланган маблағни кайтарилишини талаб қилиш;

энергия етказиб берилши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти Шартномасини тузишда ва бажаришда келаётган низоларни ҳал этиши учун судга ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (мансадор шахсга) мурожаат қилиш.

Истеъмолчи қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

##### 4.2. Истеъмолчи қўйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳак тўланы;

эксплуатация қилаётган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларининг зарур техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишида ҳафсизлик техникини қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, Корхонага электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

Бюро ва “Ўзэнергоинспекцияси” кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларини бажариш;

Бюро ва Корхона вакилининг хисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда руҳсат бериш;

иил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиши бошланишидан камидан бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун Корхонага буюртманома бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда Энергияни электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурӣ биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини хисобга олиш.

Шунингдек, уланган қуввати 5 МВт ва ундан ортик бўлган Истеъмолчи, Корхона талабига асосан қўйидаги маълумотларни тақдим этишига мажбур:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори;

енергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи;

енергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (кувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфи.

Бундан ташқари, уланган қуввати 250 кВа ва ундан ортиқ бўлган истеъмолчилик куидагиларга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун Энергия сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илғор нормаларини ишлаб чиқиши умумий ишлаб чиқариш ва технологик; якка тартибдаги ва гурӯҳ бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чиқариши ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзgartирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилик гурӯхлари бўйича Энергия балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самародорлигини тахлил килиш, Энергиянинг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириши ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун Энергияга бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруриятини аниқлаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланамаётган прогноз хажмларидан ва Энергия сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириши ва Энергияни тежашни ҳисобга олган ҳолда) Энергиянинг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига Энергия сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя килиш ва уларни камайтириши бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш; Энергияни тежаш бўйича (йиллик ва узоқ истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириши.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### 4.3. Корхона қўйидаги хукуқларга эга:

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини кўрсатган даражасида бажарилишини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилгanda Иsteъmolchi томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида, Бюрони хабардор килган ҳолда, Иsteъmolchini электр тармоғидан узиб қўйиш;

Бюронинг кўрсатмасига асосан, ҳамда ЭНҲАТга уланган ёки энергияга олдиндан ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган Иsteъmolchini олдиндан тўланган ҳақ тугагандаги электр тармоқларидан узиш.

Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мазкур Шартномага асосан Иsteъmolchini электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган холат учун Корхона ва Бюро жавобгар бўлмайди.

#### 4.4. Корхона қўйидагиларга мажбур:

Иsteъmolchiga энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача Шартномада кўрсатилган хажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиши линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиши, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги обьектларидаги носозликларни бартараф килиш;

электр хўжалиги обьектларини таъмирлаш билан боғлик электр таъминотидаги кутилаётган узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огохлантириш;

Иsteъmolchini электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиши сабаблари тўғрисида хабардор килиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вакти кўрсатилган ҳолда олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги Иsteъmolchining аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

Иsteъmolchiga ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юртиш;

Иsteъmolchining белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ, ўн кун муддатда электр энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини кўлпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – Иsteъmolchiga бу ҳақда, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар килиш;

Иsteъmolchida ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатишни, шунингдек Бюро билан бирга пломбалашни таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш;

Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### V. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишили тарзда бажарилмаган ҳолларда, Корхона бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга, "Иsteъmolch" эса етказилган ҳакиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Корхона Иsteъmolch oлдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

Иsteъmolch elektr энергияси Иsteъmolchining белгиланган режимида риоя қилмай, электр энергияси Иsteъmolch ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл кўйгандан, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажарилмагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганилиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боғлик учирishlar вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун;

ягона энергетика тизимидаги қувват танқислиги оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган аварияларни олдини олиш юзасидан тармоқларни автоматик тарзда (УОН, АЧР) ва бошқа учирishlar ҳисобига содир бўлиб, энергияни етказиб беришдаги танаффуслар юзага келганда;

оммавий ахборот воситалари (газета, радио, телевидение, интернет веб сайт ва ижтимоий тармоқлар) орқали электр энергияси етказиб беришдаги узилишлар тўғрисида хабар ва эълонлар берилганда.

5.3. Корхона Иsteъmolchini Бюро кўрсатмасига асосан электр энергиясидан узилгандага ёки енгид бўлмайдиган табиии оғатлар ҳамда фавкулотда авария холатлари юзага келганда (форс-мажор) Иsteъmolch oлдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жарабинда юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш оркали ҳал қилинади. Келишмовчилкларни музокара ўтказиш оркали ҳал қилишининг иложи бўлмаганди, улар суд тартибда ҳал қилинади.

## VI. Якуний қоидалар

6.1. Шартнома 2020 йил 31 Декабргача бўлган муддатта тузилади.

Шартномага киритилган ўзгаришлар жорий ойда кўлланилмайди, ва кейнги ойдан кучга киради.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейнги ҳар бир йилга узайтирилган хисобланади (Бюджет ташкilotлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сакланётган икки (Бюджет ташкilotлари учун уч) нусхада тузилади. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми хисобланади.

6.3. Томонлардан бирининг ташабуси билан Шартноманинг муддатидан олдин бекор қилиш, иккничи томонни бекор қилиш муддатидан ўтгиз кун олдин хабардор қилган холда ва томонлар ўзаро хисоб-китоб қилиши шарти билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгаришиш ва қўшимчалар, агар улар факат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳакиқий хисобланади.

6.5. Шартнома лойиҳаси талабларида назарда тутилмаган тартиб-қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг 2018 йил 12 январда 22-сонли карори билан тасдиқланган "Электр энергиясидан фойдаланиши қоидалари" ҳамда Бошка амалдаги норматив-хуқуқий хужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

## VII. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

Истемолчи: *Норин шаманий майдонот хўжобинчига СТ  
Юридик манзили 10кори Чўтса 14оф*

Почта манзили: *Хисоб раками 1000 108 601 421 670 928 020 78001*

Банк коди (МФО) *000014* (ИНН) *206927347*

Истемолчининг юридик манзили бўйича Кадастр раками:

Махалла номи *10кори Чўтса 14оф*

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган Истемолчилар учун Бюджет фондининг хисоб раками *23 402 000 300 10000 1010*

Банк коди (МФО) *000014* (ИНН) *201 122 919*

Бюджет фондининг хисоб раками *1000*

Банк коди (МФО) \_\_\_\_\_ (ИНН) \_\_\_\_\_

Телефонлар: \_\_\_\_\_ Факс: \_\_\_\_\_

(Истемолчи телефон раҳабари, яу жумстали унинг рафбари уни телефон кўрсатади)

Статистик кодлар:

ОКЭД *92 120*  
СООГУ *03 00 3*  
СОАТО *131 4216*  
КФС *213*  
КОПФ *2100*  
ОКПО

Корхона: "Наманган ҲЭТҚ" АЖ

*Ходижабоғиши, Узбеки союн кўса*  
Хисоб раками *22 636 000 300 5100 58 37*

Банк коди (МФО) 00224 (ИНН) 200048685

Телефонлар: *1121 171* Факс: \_\_\_\_\_

Статистик кодлар:

СООГУ 01013  
СОАТО 1714401

Корхона вакили



Имзо, Ф.И.Ш., сана)

Мазкур электр газиноти шартномаси *Норин*

ЭТК номи

*Истемолчи, З*



Зерард  
(Имзо, Ф.И.Ш., сана)

М.У.

ЮРИДИК ХУЛОСА:

юристконсульт

Ф.И.О.

Юристконсульт:

(имзо)

Ахмаджон

хамдан

ахмаджон

Етказиб бериладиган энергия ҳажми

- Тариф гурухи \_\_\_\_\_
- Фаолият түри \_\_\_\_\_
- “Истеммолчи” электр курилмаларининг уланган қуввати: \_\_\_\_\_ кВА(кВт)
- Техник шарт бўйича рухсат берилган қувват \_\_\_\_\_ кВт
- Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиха бўйича) \_\_\_\_\_
- Ҳисоб-китоб түри: \_\_\_\_\_

тариф түри: табакалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдан ПК-3379 нинг рўйхатидаги кўрсатилган махсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи ҳамда Ўз.Р.ВМнинг 09.12.2019 йилдаги 979-сонли қарор бўйича фаолият юритадиган истеммолчилар (кераклиги ёзилсин)

	Энергия ҳажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гурухлари бўйича			
Йил, жами	16665				
Январ	6666	450			
Феврал	5555	450			
Март	4444	450			
Апрел					
Май					
Июн					
Июл					
Август					
Сентябр					
Октябр					
Ноябр					
Декабр					

Ташкилот кунига ишлайди 24 соат, ойга 30-31 кун

Умумий юкга нисбатдан сменалар бўйича юкланиш % I   , II   , III   



Энергияни хисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари

“Истеммолчи”нинг (суб) “Истеммолчи”нинг ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойлар, тури ва кучланиш тоифаси (кВ) кўрсатилган холда	Ҳисобга олиш прибори турни (актив), (номинал токи)	Ҳисобга олиш прибори клемма қопкогидаги пломбанинг раками	Ҳисобга олиш прибори клемма қопкогидаги пломбанинг раками	Ўчнов трансформаторларининг трансформация коэффициенти	Ҳисобга олиш приборининг Шартнома тузилган куидаги кўрсаткичлари	Ҳисоб-китоб коэффициенти	Ҳисобга олиш приборининг Шартнома тузилган куидаги кўрсаткичлари	Тариф түри сум/1 кВт.с.
T 11	негаруне-230 РК-02						380	

Имзолар:



Истеммолчи:  
3. Нигматуллоев

Ф. И. Ш.



Корхона:

электр таъминоти  
шартномасига 3 - илова

Энергия (актив, реактив) сарфи бўйича  
ХИСОБОТ

20 \_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ ойи бўйича

Кўрсаткичлар қайд этилган сана « \_\_\_\_ » 20 \_\_\_\_ йил.

Уланган жой номи, хисобга олиш приборининг завод рақами, хисобга олиш тури (актив, реактив)	Хисоб-китоб коэффициенти			Хисобга олиш прибори кўрсаткичлари	Хисобга олиш прибори курсаткич- ларининг фарқи	Сарф кВт.с. кВАр.с.	Табакалаштирилган тариф бўйича сарф кВт.с.					
	ток трансфор- маторининг (ТТ)	кучла- ниш транс- форматорининг (КТ)	уму- мий				Эрта- лабки тиғиз вақт	Кун	Кечки тиғиз вақт	Тун		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
Жами												

Изоҳ: гр 7= гр 6- гр 5, табакалаштирилган хисоб учун назорат рақами гр 7= гр 9+гр10+гр11+гр12+гр13  
гр 8 = гр 7\*гр 4

Истеммолчи раҳбари

Ф.И.Ш.

М.Ў.

Бош энергетик

Ф. И. Ш.



электр таъминоти  
шартномасига 4 - илова

Томонлар электр тармоқларининг баланс манубилиги  
ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси  
ДАЛОЛАТНОМАСИ

1. "Истеммолчи"нинг балансидаги қуйидаги электр курилмалар мавжуд:  
а) хаво линиялари 7799

б) кабель линиялари \_\_\_\_\_

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари \_\_\_\_\_

2. Истеммолчи ва Корхона ўртасидаги электр тармоқларининг баланс бўйича  
манублик чегараси \_\_\_\_\_


3. Улардан қуйидагиларга:

а) Обектдачи бағра 380/220 волтни  
курилмаларига  
хизмат кўрсатиш Истеммолчи ходимлари томонидан,

б) \_\_\_\_\_

Истеммолчи билан тузилган шартнома асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан хизмат кўрсатилади.

4. Электр курилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик  
чегараси қуйидагича белгиланди:



Вакиллар:

З. Нурабдулов  
(Ф.И.Ш.)

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш.)

электр таъминоти  
шартномасига 5 - илова

**Энергияни йўқолишиларини аниқлаш бўйича  
ДАЛОЛАТНОМА**

Энергия хисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиги чегараси хисобга олинган ҳолда мансублик чегарасидан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган қисми хисоблаш йўли билан аниқланади ва куйидагиларга хисобланади:

а) Куввати \_\_\_\_\_ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишилари \_\_\_\_\_ кВт.соат ёки \_\_\_\_\_ %, реактив энергия йўқолишилари \_\_\_\_\_ кВАр.соат ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади;

б) Истемолчининг кабель линияларидағи ҳар ойлик энергияни йўқотиш:  
Узунлиги \_\_\_\_\_ м;  
Кесим юзаси \_\_\_\_\_ мм<sup>2</sup>;  
Русуми \_\_\_\_\_ ;  
Кучланиши \_\_\_\_\_ кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.соатни, ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади;

в) Истемолчининг ҳаво линияларидағи ҳар ойлик энергия йўқолишилари:  
Узунлиги \_\_\_\_\_ м;  
Кесим юзаси \_\_\_\_\_ мм<sup>2</sup>;  
Русуми \_\_\_\_\_ ;  
Кучланиши \_\_\_\_\_ кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.соатни, ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади.

Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юқорида кўрсатилган энергия йўқолишилари Истемолчининг ҳар хисоб-китоб даври учун, хисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истемолидан ва I-иловада кўрсатилган ишлаш тартибидан аниқланади.

Корхонанинг электр тармоқлари ва уйларнинг ички электр тармоқларининг бўлиниши чегарасидан умумий мулк хисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган маший истемолчиларнинг электр энергиясини хисобга олиш приборларигача бўлган электр тармоқларидаги электр энергияси йўқотишилари хисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки коммунал-эксплуатация ташкилотлари истемолига қаратилиди



Имзолар:



Корхона:

17  
электр таъминоти  
шартномасига 6 - илова  
Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими

**1. Компенсация қурилмаларининг белгиланган қуввати**

T/p №	Компенсация қурилмаларининг турлари	Куввати	Уланиш вақти		Жами
			Эрталаб	Кечқурун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юқори, жумладан:				
1.1.	Автоматик бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
1.2.	Қўлда бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати, кВар (СДнинг ўрнатилган қувватининг 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (16+36.) кВАр: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори.				

ИЗОХ: авторежимда ишлайдиган конденсатор қурилмалари билан жиҳозланган ташкилотлар уланиш вазифаларини тўлдиришини шарт эмас.

**2. Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори**

Йил, ой	Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори (кВАр.соат)	Шу жумладан тариф гурӯҳлари бўйича
Январь		
Февраль		
Март		
Апрель		
Май		
Июнь		
Июль		
Август		
Сентябрь		
Октябрь		
Ноябрь		
Декабрь		

Реактив энергиянинг хар бир ҳисобот даври учун иқтисодий қиймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланадиган қувват коэффициентининг оптимал миқдори ҳисобга олининг, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Ҳисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иқтисодий қийматининг амалдаги миқдори истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Тарифга устама кўшилган қиймат солиги ҳисобга олинмаган ҳолда фаол энергиянинг амалдаги тарифи бўйича:

5% - реактив энергиядан иқтисодий қиймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиқсан ҳолда аниқланади;

10 % - реактив энергиядан иқтисодий қиймат миқдоридан ортиқ фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиқсан ҳолда аниқланади;

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси ҳисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиги ҳисобига қувват коэффициентининг норматив қиймати Истеъмолчи томонидан кўллаб-қувватланмаслиги аниқланганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши қийматининг техник-иктисодий ҳисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, қувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирганилиги учун Истеъмолчилардан кўшимча маблағлар ундирилади.

Бундай ҳисоб-китоблар ва кўшимча маблағни ундириш ҳисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатилганига нисбатан Истеъмолчи томонидан қувват коэффициентининг амалдаги қийматини пасайтиришга йўл кўйилганилиги тўгрисида “Ўззнергоинспекцияси”нинг тасдиқлови бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалар истеъмолчи ягона электр тизими тармогида электр тармогининг катта юкламали соатларида реактив энергия ҳосил килганда ва электр тармогининг кичик юкламали соатларида энергия тизими тармогидан реактив энергия истеъмол қилинганда, агар Истеъмолчининг бундай режимида ишлаш зарурати Шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Чегирма кўшилган қиймат солиги ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифининг 15% миқдорида белгиланади.



Истеъмолчи:

(ИМЗО)

М.У.



Корзона:

(ИМЗО)

М.У.

**Авариявий ва технологик бронни аниқлаши бўйича  
ДАЛОЛАТНОМА**

Истеъмолчининг \_\_\_\_\_

иштирокида тузилиди.

Ягона электр энергетикаси тизимида узок муддатли ёки киска муддатли кувват танқислиги юзага келганда Истеъмолчи қўйидагиларни бажариши керак:

1. Ускуна юкламасини технологик брон даражасигача пасайтириш:

T/p №	Технологик бронига таалуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Инда қолдирилган юкламалар куввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: \_\_\_\_\_ кВт

\*а) Барча цехлар ва агрегатлар зуллик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаш, ёнгин, заҳарланиши ва бошқа баҳтисиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга шунингдек авария бронига таалуқли цехлар ва агрегатлар ҳам киради (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

I босқич \_\_\_\_\_ кВт

II босқич \_\_\_\_\_ кВт

III босқич \_\_\_\_\_ кВт

IV босқич \_\_\_\_\_ кВт

2. \_\_\_\_\_ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария брони даражасигача узуб қуилади.

T/p №	Авария бронига таалуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Инда қолдирилган юкламалар куввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: \_\_\_\_\_ кВт

\* а) Ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхтасига, иситии тизимишининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда қўриқлаш ёритгичлари юкланиши остида қолдирилади.

б) Ёнгинга қарши эсаира насослар ва бошқа ёнгинга қарши агрегатлар авария бронига кирмайди (ушиб агрегатлар заруратга қараб, олдиндан Корхона билан келишишган ҳолда рўйхатга кириштапни мумкин).



Истеъмолчи:

(Изм.)

М.У.



Имзолар:

(Изм.)

Корхона:

(Изм.)

*Норин туман майиший хизмат күрсатили ва сервис техникуми билан Норин тумани электр тармоқлари  
корхонаси ўртасида 2022 йил 24 Январдаги № 432030 шартномага*

**СПЕЦИФИКАЦИЯ**  
**ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ хизмати**

Ойлар	Mикдори	1 кв.с нархи	Суммаси	Ойлар	Mикдори	1 кв.с нархи	Суммаси
	кв.с				кв.с		
01.01.2022 йилга							
Январ	6666,0	450,0	2999700,0	Июл			
Феврал	5555,0	450,0	2499750,0	Август			
Март	4444,0	450,0	1999800,0	Сентябрь			
1-чорак	16665,0	0,0	7499250,0	3-чорак	0,0		0,0
Апрел				Октябрь			
Май				Ноябрь			
Июн				Декабрь			
2-чорак	0,0	0,0	0,0	4-чорак	0,0		0,0
Йиллик				Йиллик	16665,0	450,0	7499250,0



Хизмат күрсатувчи



Истеммолчин

3.Мираудуллаев